

**“Беруний пахта тозалаш” АЖ ва “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ
акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши
-сон баённомаси**

Қорақалпоғистон Республикаси,
Беруний тумани Кат кўча рақамсиз уй

2025-йил 28 ноябрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Кат кўча рақамсиз уй. “Беруний пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **11:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **11:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **12:00**

“Беруний пахта тозалаш” АЖ ва “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши (кейинги ўринларда - акциядорлар қўшма умумий йиғилиши) жамиятлар кузатув кенгашлари қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2025 йил 24 ноябрь.

“Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБнинг тугатиш комиссияси раиси, Е.Кунназаров йиғилиш раёсатини, йиғилиш раиси ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Е.Кунназаров – “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;
2. А.Махмудов – “Беруний пахта тозалаш” АЖ бош директори;
3. Ж. Серикбаев – “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош директори.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси Е.Кунназаров ва йиғилиш котиби этиб “Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Б.Тажимов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш катнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси С.Розимовга берди.

Санок комиссияси қуйидагича ахборот берди:

Акциядорлар қўшма умумий йиғилишда **840 210 дона акцияга** (овозга) эга бўлган **акциядор** (“Беруний пахта тозалаш” АЖдан “Қимматли қозғалар Марказий Депозитарийси” УК томонидан 2025 йил 24 ноябрь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига мувофиқ **579 706 дона акцияга** - овозга эга **1 167 та** акциядор ва қўшиб олиш шартномаси 1а-иловисига белгиланган талабларга мувофиқ “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖдан **260 504 дона овозга эга бўлган 658 та** акциядор) катнашиши мумкин бўлиб, акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, **569 110 та** овоз берувчи акцияларга (овозга) эга бўлган **10 та** акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **57,55 фозини** ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

А.Махмудов – “Беруний пахта тозалаш” АЖ бош директор;

З.Реимов – “Беруний пахта тозалаш” АЖ бош ҳисобчиси;

Ж.Серикбаев – “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг бош директори;

С. Розимов — “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг бош ҳисобчиси.

Йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлар кўшма умумий йиғилишининг регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖни “Беруний пахта тозалаш” АЖга қўшиб олиш бўйича амалга оширилган ишлар.

3. Қўшиб олиш шартномасини тасдиқлаш.

4. Топшириш далолатномасини тасдиқлаш.

5. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш балансини тасдиқлаш.

6. “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш.

7. “Беруний пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгашини қайта сайлаш.

8. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг акциялар чиқарилувини бекор қилиш.

9. “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг қўшимча акциялар чиқарилувини амалга ошириш ва жойлаштириш.

Кун тартиби эълон килинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 9 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, “Беруний пахта тозалаш” АЖ ва “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгашларининг 2025 йил 28 октябрдаги йиғилиши қарорларига кўра санок комиссияси таркибига “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг бош ҳисобчиси – Реимов Зафар Эрназарович, жамиятнинг ҳуқуқшунос маслаҳатчи – Султонов Фахраддин Бекчанович ва “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ ҳуқуқшунос маслаҳатчиси Розимов Сардорбек Азатовичлар санок комиссиясига тавсия этилган.

Муҳокамалардан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорларидан кўшма умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ўқлаганлар” – 569 110 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг кўшма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Кўшма умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) З.Реимов;

2) Ф.Султонов;

3) С.Розимов.

Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича дастлаб “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош директори Ж.Серикбаев сўзга чикиб, амалга оширилган ишлар бўйича ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сон қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарни тугатишни жадаллаштириш, харажатларни қисқартириш мақсадида 2025 йил 16 октябрда бўлиб ўтган “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йигилишида тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖни “Беруний пахта тозалаш” АЖга қўшиб олиш бўйича қарор қабул қилинганлигини, қўшиб олиш шартномаси тасдиқланганлигини ва топшириш далолатномаси лойиҳаси тасдиқланганлигини ҳамда умумий йигилиш қарорларида белгиланган топшириқлар бажарилганлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари санокдан ўтказилди ва натижаси бўйича далолатнома тузилиб, актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Беруний пахта тозалаш” АЖга топширилди.

“Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг бир дона акцияси “XORAZM EXPERT BAHOLASH” МЧЖ баҳоловчи ташкилот томонидан 2025 йил 26 августда 23 469 (Йигирма уч минг тўрт юз олتمини тўққиз) сўмга баҳоланган ҳамда “NAZORAT AUDIT” МЧЖ томонидан жамиятни қўшиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада яъни 2025 йил 26 октябрь ҳолатига жамиятнинг соф активлари қиймати 2 966 667 минг сўм эканлиги аниқланган.

Жамиятнинг 33 нафар акциядорлари ўзларига тегишли 75 619 дона акцияларини жамият томонидан бозор қийматида қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талабномалар билан мурожаат қилган. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 41-моддасида жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтирилаётган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги, қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони ушбу қисмда белгиланган чеклов инобатга олинган ҳолда жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга мутаносиб равишда қайтариб сотиб олиниши белгиланган. Шунга кўра, акцияларни қайтариб сотиб олиш бўйича талабнома берган 33 та акциядордан қўйилган талабларга мутаносиб равишда 12 640 дона акцияларни бозор қийматида қайтариб сотиб олиш бўйича шартномалар расмийлаштирилди.

Юқоридагиларга кўра, “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг 33 та акциядоридан қайтариб сотиб олинган жами 12 640 дона оддий акциялари “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг акцияларига айирбошланмайди ва 1а-иловадан чиқарилди.

Шунингдек, кун тартибдаги масала бўйича “Беруний пахта тозалаш” АЖ бош директори А.Махмудов сўзга чикиб, амалга оширилган ишлар бўйича ахборот берди.

“Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025 йил 16 октябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари умумий йигилишида “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖни “Беруний пахта тозалаш” АЖга қўшиб олиш бўйича қарор қабул қилинганлигини, қўшиб олиш шартномаси тасдиқланганлигини ва топшириш далолатномасига мувофиқ “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қабул қилиб олинганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 40,41-моддалари талабларига асосан 13 нафар акциядор ўзларига тегишли 58 870 дона акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблар (аризалар) билан мурожаат қилди. Улар билан акцияларни қайтариб сотиб олиш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда шартномалар расмийлаштирилди.

Мухокамалардан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорлардан кун тартибидаги иккинчи масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 569 110 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорлар қўшма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖни “Беруний пахта тозалаш” АЖга қўшиб олиш бўйича амалга оширилган ишлар маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош директори Ж.Серикбаев ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 94-моддасига асосан қўшиб олинаётган жамият ва қўшиб олаётган юридик шахс қўшиб олиш тўғрисида шартнома тузиш ҳамда қўшиб олиш тартиби ва шартлари, шунингдек қўшиб олинаётган жамиятнинг акцияларини қўшиб олаётган жамиятнинг акцияларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилиши таъкидланган.

Ушбу талабларга асосан “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ ва “Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025 йил 16 октябрда ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилишларида қўшиб олиш шартномаси тасдиқланган ва унда қўшиб олиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган.

Жумладан, шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қўшилиш тартиби босқичлари, ҳуқуқий ворислик, шартноманинг амал қилиши ва уни муддатидан олдин бекор қилиш, қўшиб олинаётган жамиятнинг акцияларини қўшиб олаётган жамиятнинг акцияларига айирбошлаш тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, қўшиб олинаётган жамиятлар акцияларини қўшиб олаётган жамият акцияларига айирбошлаш ушбу акциядорлик жамиятлари акцияларининг баҳоланган қиймати бўйича, қўшиб олиш шартномасининг 1 ва 1а-иловаларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 40,41-моддалари талабларига асосан 33 та акциядор ўзларига тегишли 75 619 дона акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблар билан мурожаат қилди. Акцияларни қайтариб сотиб олиш бўйича талабнома берган 33 та акциядордан қўйилган талабларга мутаносиб равишда **12 640 дона** акцияларни бозор қийматида қайтариб сотиб олиш бўйича шартномалар расмийлаштирилди.

Юқоридагиларга кўра, “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг 33 та акциядоридан қайтариб сотиб олинган жами 12 640 дона оддий акциялари “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг акцияларига айирбошланмади ва 1а-иловадан чиқарилди.

Шу сабабли ушбу масала акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши кун тартибига ҳам қайта киритилган.

Муҳокамалардан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорлардан қўшиб олиш тўғрисидаги шартномани ўзгаришлар билан тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 569 110 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидagi учинчи масала бўйича акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Қўшиб олинаётган “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖ ва қўшиб олаётган “Беруний пахта тозалаш” АЖ ўртасида қўшиб олиш тўғрисидаги шартнома ўзгаришлар билан тасдиқлансин.

2. “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖ акцияларини “Беруний пахта тозалаш” АЖ акцияларига айирбошлаш ушбу акциядорлик жамиятлари акцияларининг баҳоланган қиймати бўйича, қўшиб олиш шартномасининг 1 ва 1а-иловаларига мувофиқ амалга оширилсин.

3. “Беруний пахта тозалаш” АЖ қўшиб олинган “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖнинг ҳуқуқий вориси эканлиги эътироф этилсин.

4. “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖнинг кредиторлари ва акциядорлари билан конунчиликда белгиланган барча ҳисоб-китобларларни амалга ошириш “Беруний пахта тозалаш” АЖ зиммасига юклатилсин.

Кун тартибидagi тўртинчи масала бўйича “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖнинг ҳуқуқшунос маслаҳатчи С.Розимов қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 94-моддасига асосан бир юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинаётганда қўшиб олинаётган юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ қўшиб олаётган юридик шахсга ўтади.

“Тўртқўл пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025 йил 16 октябрда ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилишида “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖ актив ва мажбуриятларини “Беруний пахта тозалаш” АЖга топшириш далолатномаси лойиҳаси тасдиқланди ҳамда умумий йиғилиш қарорига мувофиқ “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖнинг барча актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг тегишли миллий стандарти қоидаларига асосан санокдан ўтказилди ва натижаси бўйича 2025 йил 31 октябрда санокдан ўтказиш далолатномаси тузилди ҳамда 2025 йил 25 ноябрда тузилган (имзоланган) топшириш далолатномасига асосан жамиятнинг барча актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Беруний пахта тозалаш” АЖга топширилди.

Шунингдек, кун тартибидagi масала бўйича “Беруний пахта тозалаш” АЖ бош ҳисобчиси З.Реимов сўзга чиқиб, “Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025 йил 16 октябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига ҳамда ва 2025 йил 25 ноябрда тузилган топшириш далолатномасига мувофиқ “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖнинг актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Беруний пахта тозалаш” АЖга қабул қилиб олинганлигини маълум қилди.

Топшириш далолатномаси акциядорларга таништирилди (илова қилинмоқда).

Муҳокамалардан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорлардан кун тартибидаги топшириш далолатномасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 569 110 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг барча актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари санокдан ўтказилганлиги ва натижаси бўйича санокдан ўтказиш далолатномаси 2025 йил 31 октябрда тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2025 йил 25 ноябрда тузилган топшириш далолатномаси тасдиқлансин.

3. Топшириш далолатномасига асосан “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг барча актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Беруний пахта тозалаш” АЖга ўтказилганлиги тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг ҳуқуқшунос маслаҳатчи С.Розимов сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 94-моддасига асосан бир ёки бир нечта юридик шахс **фаолиятини тугатиб**, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш жамиятни қўшиб олиш деб эътироф этилади.

Бир юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинаётганда қўшиб олинаётган юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ қўшиб олаётган юридик шахсга ўтади.

Топшириш далолатномасига асосан “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг барча актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Беруний пахта тозалаш” АЖга ўтказилганлиги сабабли жамият балансининг актив ва пассив қисмлари ноль ҳолатига келганлигини таъкидлаб ўтди.

Тугатиш баланси танишиш учун акциядорларга тақдим этилди (*илова қилинади*).

Юқорида қайд этилган қонун талабларига асосан “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш балансини тасдиқлаш ва жамиятни тугатиб, давлат реестридан чиқариш учун тугатиш балансини Тўрткўл туман Давлат хизматлари марказига тақдим этиш лозим бўлади.

Шу сабабли, “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш балансини тасдиқлаш масаласи бугунги акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиш кун тартибига киритилган.

Муҳокамалардан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорлардан кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 569 110 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш баланси тасдиқлансин.

2. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ директори Ж.Серикбаев зиммасига тугатиш балансини туман Тўрткўл туман Давлат хизматлари марказига тақдим этиш ва

жамиятни тугатиб, давлат реестридан чиқариш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича “Беруний пахта тозалаш” АЖ бош директори А.Махмудов сўз чикди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 94-моддасига юридик шахслар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши юридик шахснинг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши белгиланган.

Шунга кўра, “Беруний пахта тозалаш” АЖ уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритган ҳолда янги таҳрирдаги утавни тасдиқлаш масаласи акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши кун тартибига киритилган.

А.Махмудов “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини акциядорларга таништирди (*илова қилинади*).

Уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни баён қилиб ўтди. Жумладан, “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ “Берийний пахта тозалаш” АЖга қўшиб олинганлиги, акцияларни айирбошлаш учун қўшимча акциялар чиқарилиши сабабли эълон қилинган акциялар миқдори ўзгарганлиги таъкидлаб ўтилди. Янги таҳрирдаги уставнинг 29-бандида жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 4 100 сўм бўлган 252 444 дона оддий ва 1 281 дона имтиёзли акциялардан иборатлиги белгиланган.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 523 638 та овоз; “Қаршилар”- 45472; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин.
2. “Беруний пахта тозалаш” АЖ бош директори А.Махмудов зиммасига янги таҳрирдаги жамият уставни Беруний туман Давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 94-моддасига асосан акциядорларнинг сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланганлигини айтиб ўтди.

Ҳозирги кунда “Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорлари сони 1167 нафарни ташкил этиб, кузатув кенгашига 9 та аъзо сайланган. Кузатув кенгаши аъзоси бўлган Калжанов Нурлибай Муратбаевич Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлигидан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Кузатув кенгаши аъзолигидан бўшатилиб ўрнига Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлигида мутахассис лавозимида ишлаб келаётган Халмуратов Давлетбай Назарбаевич намзодини сайлашни мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 569 110 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг кушма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Беруний пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгаришлар киритилсин.

2. Калжанов Нурлибай Муратбаевич бошқа ишга ўтганлиги сабабли унинг ўрнига Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлигида мутахассис лавозимида ишлаб келаётган Халмуратов Давлетбай Назарбаевич сайлансин.

3. “Беруний пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгаши бошқа аъзолари таркиби ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи сўзни “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош директори Ж.Серикбаевга берди.

“Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг фаолияти тугатилиб, унинг актив, ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Беруний пахта тозалаш” АЖга ўтказилганлиги сабабли “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ томонидан чиқарилган акциялар бекор қилиниши лозим.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлигига Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) мувофиқ “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларга асосан чиқарилган акцияларини ҳамда миллий идентификация рақамларини бекор қилиш ва Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш бўйича ариза тақдим этиш лозим бўлади.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 569 110 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг кушма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош директори Ж.Серикбаев зиммасига Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлигига Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) мувофиқ “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларга асосан чиқарилган акцияларини ҳамда миллий идентификация

ракамларини бекор қилиш ва Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш бўйича ариза тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилишга раислик қилувчи сўзни “Беруний пахта тозалаш” АЖ бош директори А.Махмудовга берди.

Қўшиб олинаётган “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖ ва қўшиб олаётган “Беруний пахта тозалаш” АЖ ўртасида қўшиб олиш тўғрисидаги шартномаси тасдиқланган.

Қўшиб олинаётган “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖ акцияларини қўшиб олаётган “Беруний пахта тозалаш” АЖ акцияларига айирбошлаш ушбу акциядорлик жамиятлари акцияларининг баҳоланган қиймати бўйича, қўшиб олиш шартномасининг 1 ва 1а-иловаларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Шунга кўра, “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖнинг 658 нафар акциядорларига тегишли номинал қиймати 4 500 сўм бўлган (баҳоланган қиймати 23 469 сўм) 396 623 дона оддий ва 2088 дона имтиёзли акциялари “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг номинал қиймати 4 100 сўм бўлган (баҳоланган қиймати 36 828 сўм) 252 444 дона оддий ва 1 281 дона имтиёзли акцияларига айирбошланади.

Қўшиб олиш шартномасининг 2-иловасига мувофиқ “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг қўшимча чиқариладиган акцияларини ҳисоблашда қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорларнинг талабига асосан қайтариб сотиб олинadиган 12 640 дона оддий акцияларга айирбошланадиган акциялар киритилмади.

“Беруний пахта тозалаш” АЖ уставининг қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши,

32-бандида жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар қузатув кенгаши томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Бугунги акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида тасдиқланган “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг янги таҳрирдаги уставининг 29-бандида жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 4 100 сўм бўлган 252 444 дона оддий ва 1 281 дона имтиёзли акциялардан иборатлиги белгиланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагилар тақлиф қилинди:

1. “Беруний пахта тозалаш” АЖ қузатув кенгашига жамиятнинг янги таҳрирдаги устави давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг:

- уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан “Беруний пахта тозалаш” АЖ устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009й.) мувофиқ қўшимча акциялар чиқариш орқали устав фондиди кўпайтиришда белгиланган шакл бўйича қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш вазифасини юклаш.

2. “Беруний пахта тозалаш” АЖ бошқаруви раиси А.Махмудов зиммасига:

- Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига мувофиқ “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлигидан давлат рўйхатидан ўтказилишини;

- қўшимча чиқарилган акцияларни қўшиб олинган “Тўртқўл пахта тозалаш” АЖнинг акциядорлари ўртасида ёпиқ усулда бугунги қўшма йиғилишда ўзгаришлар

билан тасдиқланган қўшиб олиш шартномасининг 1 ва 1а-иловаларига мувофиқ жойлаштирилишини таъминлаш вазифасини юклаш.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 569 110 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги туққизинчи масала бўйича акциядорларнинг қўшма умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Беруний пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгашига жамиятнинг янги таҳрирдаги устави давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг:

- уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан “Беруний пахта тозалаш” АЖ устав фондини қўпайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009й.) мувофиқ қўшимча акциялар чиқариш орқали устав фондини қўпайтиришда белгиланган шакл бўйича қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш вазифаси юклатилсин.

2. “Беруний пахта тозалаш” АЖ бошқаруви раиси А.Махмудов зиммасига:

- Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига мувофиқ “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлигидан давлат рўйхатидан ўтказилишини;

- қўшимча чиқарилган акцияларни қўшиб олинган “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг акциядорлари ўртасида ёпиқ усулда бугунги қўшма йиғилишда ўзгаришлар билан тасдиқланган қўшиб олиш шартномасининг 1 ва 1а-иловаларига мувофиқ жойлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

“Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ ва “Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:



 **Е.Кунназаров**

Йиғилиш котиби:



Б.Тажимов

Йиғилиш баённомаси 2025 йил __ декабрь куни икки нусхада тузилди ва имзоланди.